Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

SHU AZIZ VATAN BARCHAMIZNIKI!

ISTIQBOL

№ 33
(6185)
2025-yil
22-avgust
Juma

Gazetaning QR-kodi
www.zangiota-istiqbol.uz

Zangiota tumani hokimligi ijtimoiy-siyosiy gazetasi ❙ 1934-yil 10-iyuldan chiqa boshlagan

УСТОЗЛАР МИЛЛИЙ ФОРУМИ



Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган “Маҳоратли ўқитувчилар – миллат таянчи” шиори остидаги тўртинчи Устозлар миллий форумининг туман босқичи бўлиб ўтди. Бундан кўзланган мақсад янги ўқув йили аввалида таълим соҳасидаги янгиликлар, маълумотларни педагогларга етказиш, тизимда олиб борилаётган ислоҳотлар, ўқув жараёнига татбиқ этилаётган илғор методикалар билан ўқитувчиларни батафсил таништиришдан иборатдир.

2

► *Эътироф*

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлар куни муносабати билан соҳа вакилларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони имзоланди.

Мукофотланганлар орасида туманимиз вакиллари ҳам бор.

“МЕҲНАТ ШУҲРАТИ” ОРДЕНИ БИЛАН:

Ағзамов Ҳамидулла Атовуллаевич – “Toys Uz” масъулияти чекланган жамияти раҳбари.

Каримбаев Хўрсанджон Дадажонович – “Фарм Диёр” масъулияти чекланган жамияти раҳбари.

Зоитбеков Юсуфбек Қудратбек ўғли – “Lider Kabel Group” масъулияти чекланган жамияти раҳбари

“ШУҲРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН:

Акрамов Мурод Икрамович – “Technologies of Real Time” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси.

“ФАОЛ ТАДБИРКОР” КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН:

Абдуллаев Жамшид Зафарович – “Zangiota tomorqa xizmati export” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси.

Тумандошларимизни юксак мукофот билан табриклаб, келгусидаги ишларига муваффақиятлар тилаб қоламиз.



“ТЕГИРМОНКЎЧА”НИНГ ЯНГИЛАНАЁТГАН ҚИЁФАСИ

4-5



ISTIQBOL
2025-yil 22-avgust / Juma / № 33 (6185)

УСТОЗЛАР МИЛЛИЙ ФОРУМИ



Туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Сирожиддин Носиров форумни кириш сўзи билан очаркан, тадбирда иштирок этаётган барча устозлар, мураббийларни яқинлашиб келаётган янги ўқув йили билан табриклади.

Форумда сўзга чиққан туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими мудири Илҳом Холмирзаев ўтган ўқув йилида эришилган ютуқлар, ўқитувчиларнинг фидокорона меҳнати, ёшлар таълим-тарбиясига қўшилган муносиб ҳисса ҳақида батафсил тўхталди. Шунингдек, келгуси даврда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар ва янги таълим стратегиялари юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Форум доирасида ўтган ўқув йилида таълим соҳасида юқори самарадорликка эришган, ўқувчилари республика ва халқаро фан олимпиадалари ва кўрик-танловларда юқори ўринларни қўлга киритган бир гуруҳ мактаб раҳбарлари ва фидойи устозлар Ташаккурнома ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Зангиота тумани бўлинмаси кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.



16-давлат мактабгача таълим ташкилотининг жажжи тарбияланувчилари томонидан ижро этилган қўшиқ ва рақслар тадбирга алоҳида кўтаринкилик бағишлади.

Шундан сўнг ўқитувчилар фанлар кесимида ташкил этилган шўъба йиғилишларида ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар, дарс жараёнига инновацион ёндашувларни татбиқ этиш, илғор педагогик усуллар ва методикаларни қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқдилар.



Дарҳақиқат, ўқув йили бошланишидан олдин барча янгиликлар билан қуролланиш, билимларни бойитиш педагоглар учун ҳам жуда муҳим. Шу боисдан ҳам устозлар форуми ҳар бир иштирокчи учун жуда фойдали, манфаатли бўлганлиги шубҳасиз.

Жамила АРСЛОНОВА.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Хушхабар



Куни кеча "Устозлар миллий форуми"нинг вилоят якуний конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда ўтган ўқув йили натижаларига кўра ижобий натижа кўрсатиб, вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари билан муносиб тақдирланганлар орасида туманимизнинг 14-умумтаълим мактаби жамоаси ҳам бор! "Турон" мактаб театри танловининг вилоят босқичида ғолибликни қўлга киритган мазкур мактаб жамоасига омад тилаймиз!

ЮТУҚЛАР ЗЎР, КАЙФИЯТЛАР АЪЛО

Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги тобора яқинлашаётган паллада яхши хушхабарлар эшитиш нақадар ёқимли. Кўчалар асфальтланмоқда, янги қурилган, таъмирдан чиқарилган мактаблар ўқувчиларни кутмоқда, тадбиркорларнинг иши юришган, олий ўқув юртига кирган талабалар сафи кенгаймоқда...

Яқинда бу каби хушхабарлар ёнидан яна биттаси ўрин олди: "Навбаҳор" маҳалласи ёшларидан бири Шоҳжаҳон Ҳикматуллаев "5 ташаббус лойиҳаси" доирасида ўтказилаётган спорт мусобақаларининг республика босқичида



шашка спорт тури бўйича совринли ўринни қўлга киритган эди. Шу муносабат билан маҳаллада кичик спорт майдончаси – воркаут барпо этилди.

Шунингдек, маҳаллада бу йил ички кўчалар аҳолининг ҳамжиҳатлиги ва ҳомийлар томонидан асфальт қилинганлиги ҳам диққатга сазовор иш бўлди.

Хуллас, навбаҳорликлар Мустақиллигимизнинг 34 йиллигини барча соҳаларда арзирли ютуқлар, юқори кайфият билан кутиб олмоқдалар. Яқинлашиб келаётган байрам муносабати билан Туркистон ҳудудидаги "Навбаҳор", "Алимбува", "Шодлик", "Туропобод", "Баликчи", "Рамадон","Тўқимачи" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамжиҳатликда яна бир хайрли ишга қўл уришди, мазкур маҳаллаларнинг ёши улуғлари, фахрийлари, фаол хотин-қизлари, ёшларини бир дастурхон атрофида жамлаб, ош тортишди.

Тадбирда иштирок этган туман ҳокими Эркин Рустамов барчани энг улуғ ва энг азиз байрамимиз билан табриклар экан, маҳалла фаолларининг меҳнатларини алоҳида эътироф этди, мусобақа ғолиблари сафи янада кенгайишига тилак билдирди ва Шоҳжаҳон Ҳикматуллаевни тақдирлади.



Шу куни маҳаллада воркаут очилганлиги маҳалла болаларига муносиб совға бўлди.

Маҳаллалар аҳлининг бир пиёла чой устидаги суҳбатлари қизғин кечди. Шўх қўшиқлар дилрабо рақсларга уланиб, барчага аъло кайфият бағишлади.

Ж.АМИРОВА.

ИНТИЛИБ, ИЗЛАНИБ, ТАЛАБА БЎЛИШДИ

Бир неча кун аввал барча абитуриентлар ва уларнинг яқинлари интизорлик билан кутган олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари натижалари эълон қилинди. Астойдил ўқиб, билим олишга интилган ёшлар меҳнатининг самарасини кўриб, талабалик бахтига муяссар бўлдилар. Гувоҳи бўлаётганимиздек, ҳозирги кунда кириш имтиҳонлари тўлиқ шаффоф тизимда ўтказилмоқда.



2025–2026 ўқув йили ва ундан олдинги уч йил давомида олий таълим ташкилотларига бакалавриат ва магистратура босқичлари учун жами 45 422 та давлат грантлари ажратилган эди. Бу туманимиздаги кўплаб йигит-қизларга ҳам насиб этди. Масалан, туманимиздаги ихтисослаштирилган мактаб битирувчиларидан жами 42 нафар абитуриент энг юқори баллар билан талабалар сафига қўшилган бўлса, уларнинг 16 нафари давлат гранти асосида, қолган 26 нафари эса тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилинди.

Бу йил Ўзбекистон бўйича 826 нафар абитуриент максимал 189 балл тўплашга муваффақ бўлди. Шулардан 6 нафари айнан туманимиз ихтисослаштирилган мактаб битирувчилари ҳисобланади. 6 нафар битирувчи Жаҳон Иқтисодиёти ва Дипломатия Университети талабалари сафидан жой олди. Қолганлари эса киберхавфсизлик, хорижий тиллар, даволаш иши, робототехника, сунъий интеллект каби замонавий йўналишларда таълим олишни давом эттиради.

Ойнахол Қодирова 189 балл натижа билан Халқаро муносабатлар йўналишига қабул қилинди. У IELTS ва миллий сертификатларга эга бўлган, "Бугун талабалик бахтига муяссар бўлдим, лекин бу натижага эришиш учун ҳар бир куним меҳнат, ҳар бир кечам эса орзу билан ўтди",– дея ўз ҳис-туйғуларини билдирди. Ҳақиқатан ҳам, кўплаб юқори балл эгаларига тил сертификатлари ёрдам берган бўлса-да, уларни қўлга киритишнинг ўзи ҳам йиллар давомида изланиш ва меҳнат талаб қилади.

Талабалик бахтига эришган барча зангиоталик ёшларни чин дилдан қутлаб, янги ўқув йилида улкан зафарлар тилаймиз. Шу билан бирга, имтиҳон натижаларидан қониқмаган ёшлар учун апелляция жараёни "my.uzbmb.uz" сайти орқали 15 августдан 24 августгача давом этишини эслатиб ўтамиз.

Ирода АБДАЗИМОВА.

► *Чемпионларимиз*

Юртимиз тарихида Тўмарис ва Барчиной каби матонатли, жасур ва ватан тақдири учун жонини аямайдиган аёл-қизлар ҳақида кўп маротаба эшитганмиз. Бугун эса улар сафида яна бир исмни фахр билан тилга олиш мумкин. У "Ҳаракат" маҳалласида истиқомат қилувчи Зайнаб Икрамовадир. 1985 йилда туғилган Зайнаб сўнгги тўрт йил ичида Ўзбекистон спорт оламида ўз номи ва байроғимизни юксакка кўтарган қаҳрамонга айланди. У 2020 йилдан буён Тошкент вилояти Қўл жанги федерацияси таркибида фаолият юритиб, қисқа вақт ичида йирик ютуқларга эришди.



"ҲАРАКАТ"ЛИК ТЎМАРИС ИЗДОШИ

2023 йил Зайнаб учун янги босқич бўлди: у Навоий шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида 3-ўринни қўлга киритди. Бу ғалаба унга янада катта куч ва ишонч берди.2024 йилда эса у яна бир маротаба Ўзбекистон чемпионатида 3-ўринни эгаллаб, мамлакатнинг етакчи спортчилари қаторидан мустаҳкам ўрин олди. Бироқ унинг энг ёрқин ва унутилмас ғалабаси – 2024 йил 12-16 сентябрь кунлари Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида илк бор ўтказилган тарихий Осиё чемпионатида 1-ўринни эгаллагани бўлди. Ушбу мусобақада у 6 та медални қўлга киритиб, Ватан байроғини Осиё аренасида баланд кўтарди.

– Мен учун спорт – шунчаки машғулот эмас, бу ҳаёт тарзим, орзу-умидларим, Ватан олдидаги бурчимдир. Мақсадим – Тўмарис авлодлари нималарга қодир эканини бутун дунёга кўрсатиш, – дейди Зайнаб.

Зайнабнинг ҳар бир ғалабасида унинг устозлари – Асқар Бабаев, Бахтиёр Чутбаев ва Акмал Йўлдошевнинг меҳнати ва қўллаб-қувватлаши бор. Спортчимиз айни пайтда ҳафтасига уч марта машғулотларга қатнайди. Мусобақалар олдидан эса уни илҳомлантирадиган куч – устозлар, оила ва мамлакат раҳбариятининг ишончи. "Уларнинг, сен энг яхши спортчисан, сен ғалаба билан қайтасан, – деган сўзлари менга қанот бағишлайди", – дейди у.

Зайнабнинг спортга муҳаббати болалигидан – 8 ёшидан бошланган. Шундан бери у бошқа касб ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган, чунки унинг учун спорт – ҳаётининг мазмуни. Зайнабнинг ҳаётида юмор билан эслайдиган кулгили хотиралари ҳам бор. Бир машғулотда устозининг кўрсатмаси пайтида билмасдан қўл зарбасини ишлатиб юборган.

– Аёл спортчидан биринчи марта зарба едим", – деб ҳалигача ҳазил билан эслайди устози.

Қаҳрамонимизнинг фикрича, чемпион бўлиш учун фақат истеъдод етарли эмас – қаттиқ меҳнат, интизом ва ўз-ўзини доимий равишда такомиллаштириш ҳам зарур. Шунинг учун у ёшларга қўл жанги спорти билан шуғулланишни тавсия этиб, шундай дейди: "Шароитлар аъло, имкониятлар кенг – фақат ҳаракат ва сабр керак".

Бугун Зайнаб Икрамова халқаро ареналарда қатнашиб, Ўзбекистон байроғини янада баланд кўтаришни мақсад қилган.

Ирода АБДАЗИМОВА.

ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўтган шанба, якшанба кунлари туманимиз маҳаллаларида ободонлаштириш ишлари давом этди. Маҳалла кўчалари, йўл ёқалари, кўп қаватли уйлар атрофлари, ишхоналар, хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, таълим муассасалари, қабристонларда тозалаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.



"Боғзор" маҳалласининг "Янги боғзор" кўчасида тозалаш ишлари билан бир қаторда кўчани асфальт қилишга тайёрлаш ишлари ҳам амалга оширилди.



"Эски қалъа" маҳалласидаги хонадонларнинг бирига эса 10 киловатли қуёш панели ўрнатилди. Кўчаларни асфальт қилиш, қуёш панеллари ўрнатиш ишлари тумандаги яна бошқа бир қатор маҳаллаларда ҳам амалга оширилди.

Шунингдек, тумандаги белгиланмаган жойларга илинган реклама ва эълонларни олиб ташлаш ишлари давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз.

► *Қадрият*

БУВИЖОНЛАР АЙТГАН ЭРТАКЛАР

Қадриятлар – ҳар бир миллатнинг маънавий қиёфасини намоён этади. Халқимизнинг минг асрлик ўтмиши, бутун миллатнинг маънавий қиёфасини ўзида намоён этган қадриятлар ва миллий маданиятини акс эттирувчи ҳар қандай моддий ва номоддий бойликларимизни асраб-авайлаш, келажак авлодни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида тумандаги барча маҳаллаларда "Бувижонлар мактаби" ташкил этилган бўлиб унда "Бувим айтган эртаклар" лойиҳаси йўлга қўйилган.



Ушбу лойиҳа доирасида маҳалланинг нуроний онахонлари томонидан миллий урф-одатлар, қадриятларга асосланган суҳбатлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Машғулотларда миллий эртаклар, миллий либослар ва қадриятларимиз ҳақида тушунчалар берилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Қатортол ҳамда Эшонгузар ҳудуди хотин-қизлар фаоллари ҳамкорлигида тумандаги 35-давлат мактабгача таълим муассасасида бўлиб ўтди.

Тадбир давомида болажонларга миллий урф-одатларимиз, жумладан, ўсма қўйиш ва чақалоқни бешикка белаш маросимлари намойиш этилди. Бувижонлар кичкинтойларга қизиқарли эртаклар айтиб бердилар.

Шунингдек, тарбияланувчилар томонидан ижро этилган миллий рақслар тадбирга янада кўтаринки руҳ бағишлади.

Ўз мухбиримиз.

► *Истеъмолчи ҳуқуқи*

ҚУЁШ ПАНЕЛИГА БУЮРТМА БЕРГАНДИ

Самарқанд вилоятида яшовчи З. Н "Арк булоқ" савдо марказидан 1 йиллик кафолатига эга қиймати 5 000 000 сўм бўлган қуёш панелига буюртма берган. Маҳсулот эгасига етиб келгач муаммолар вужудга келган.

Истеъмолчи ушбу ҳолатдан норози бўлиб Ўзбекистон Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясининг ишонч телефонига мурожаат қолдирган.

Ушбу мурожаат бизга етиб келгач, мутахассислар томонидан жойига чиқиб ўрганилди ва томонларга амалдаги конунчилик асосида тушунтириш берилди. Натижада 5 000 000 сўм пул маблағи истеъмолчига қайтарилди.

Агар сизда ҳам истеъмолчи сифатида бирорта муаммо юзага



келса, 1091 ишонч телефони орқали ўз мурожаатингизни қолдиришингиз мумкин.

Аваз ХОЛМАТОВ,
туман Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси.

ISTIQBOL
2025-yil 22-avgust / Juma / № 33 (6185)

“ТЕГИРМОНКЎЧА”НИНГ

Қуёш ётоғидан бош кўтарар-кўтармас маҳалладаги эшикларнинг бири ғийчиллаб очилиб, остонада баланд бўйли, савлатли бир киши пайдо бўлди. У – “Асил” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маҳмуд ака Турғунов. Қуш тинса тинадики, у кишида тиним йўқ. Ҳали қарасангиз у кўчада, ҳали қарасангиз бу кўчада пайдо бўлиб, қандайдир юмушлар билан югургилагани югургилаган. Бугун эса кўчага одатдагидан эрта чиқди. Чунки Мустақиллик байрами яқин. Байрамни кўчаларни ораста қилган ҳолда кутиб олиш керак. Кеча маҳалланинг телеграм каналида аҳолини шанба-якшанба кунлари шанбалик бўлиши ҳақида огоҳлантириб, барчани ободонлаштириш ишларида фаол бўлишга чақирганди. Шу боисдан ҳам бугун ҳаммадан олдин кўчага чиқиб олди.



Катта кўчада онда-сонда машиналар ғизиллаб ўтиб қолади. Бундан бир неча йил аввал катта йўл ёқасига экилган дарахтлар анча бўй чўзиб қолган, уларнинг зич япроқлари янги кунни олқишлагандек тонгги шабадада оҳиста шитирлайди. Уйқуда ётган табиатни уйғотмоқчи бўлгандек қушлар бири олиб, бири қўйиб хониш қилади.

Орадан кўп ўтмай маҳалла кўчаларидаги эшиклар бирин-кетин очилиб, кўчага қўлига челакда сув ва супурги тутган қизлару келинлар чиқишиб, одатдаги ишларини бошлашди. Тонгги тозаликдан табиат янада яшнаб кетди.

Маҳмуд ака кўча тозалаётганларни “балли, қизим”, “баракалли, келиним”, дея алқаганча катта кўча (М-34)га чиқиб, ортига назар ташлади. “Манаман” деб турган панно, кўчанинг кўз илғар-илғамас жойигача чўзилиб кетган ишком... Буларга боқаркан Маҳмуд ака ўзида қониқиш ҳосил қилгандек бўлди. Бу йўл аввал қандай эди?..

Шу ерга келганда Маҳмуд аканинг хаёлларини биз бўлиб юбордик. Бу маҳаллага анчадан бери келишни ният қилиб юрардик, вақти-соати шу кун экан. Суҳбатимиз қизғин бошланди.

“Тегирмонкўча”га аввал келмаган бўлсангиз, энди келинг. Жуда чиройли ўзгаришларнинг гувоҳи бўласиз. Ҳозир сиз бундан кўп йиллар, ҳаттоки бир неча ой олдин кўрган кўчадан асар ҳам йўқ.

Йиллар ўтди, асрлар ўтди, катта ўзгаришлар юз берди, кўплаб кўчалар қайта номланди, лекин “Тегирмонкўча” деган ном ўзгармади. Аввал ҳам, ҳозир ҳам кўпчилик одамлар бошқа кўчалар номини билишмас, лекин “Тегирмонкўча” дейилса Зангиота-ю, ўртаовуллик-лар, ҳатто қўшни маҳаллаларда яшовчилар ҳам у қаерда жойлашганлигини яхши билишади. Кўчага қўйилган бу ном унга ўтмишдан мерос. Қадимда бу ҳудудга одамлар кўчиб келишиб, деҳқончилик қила бошлаган кезларда уларнинг буғдой ва гуручларини янчишга эҳтиёж туғилган. Ўшанда бу ерда тегирмон ташкил этилган. Тегирмонга узоқ-яқиндан одамлар келишиб, ун торттириб кетишган. Шу-шу бу ернинг номи “Тегирмонкўча” деб аталган. Йиллар ўтиб, ҳудуд гавжумлашиб, кўплаб оилалар кўчиб келишгач, маҳалла пайдо бўлган. Лекин кўчанинг номи ўша-ўша ўзгаришсиз қолган.






Бугунги кунга келиб кўча мутлақо бошқача кўриниш касб этмоқда. Бунга эса бир учрашув сабаб бўлди. Туман ҳокими Эркин Рустамов маҳаллага келиб, сайёр қабул ўтказганида одамлар маҳалла идораси, болаларнинг ўйнашлари учун спорт майдончаси йўқлигидан шикоят қилиб қолишди. Туман раҳбари ҳам уларнинг илтимосларини ерда қолдирмай, ҳудудни ўрганди, фаолларнинг фикрларини тинглаб, маҳалла идораси учун улар тавсия этаётган жойни маъқуллаб, керакли маслаҳатларини берди, Шу тариқа ишлар бошланиб кетди. Туман раҳбарининг қўлидан келган ёрдамини аямаётганидан аҳолининг боши кўкка етмоқда.

– “Тегирмонкўча”мизнинг узунлиги 812 метрни ташкил этади. – дейди Маҳмуд ака. – Бу ерда 64 та хонадон истиқомат қилади. Кўчанинг 250 метрини ишком қилдик. Унинг чап томонига чуқурчалар кавлаб қўйганмиз. Бу йил ток кўчатлари экамиз. Қарабсизки, келаси йили бу йўл соя-салқин бўлади.

Кўча бўйлаб ҳаракатланарканмиз, хонадон эгаларининг уйларининг кўча тарафларини тартибга келтиришаётганликларининг гувоҳи бўлдик. Улар ҳашарни бошлаб юборишганди.

Бетон ариқда шилдираб оқаётган сув, ариққа ўрнатилган чархпалак кўчага алоҳида кўркамлик бағишлаб турарди.



Кўп ҳам юрмагандик, кўзимиз йўлнинг ўнг томонидаги шинамгина маҳалла идорасига тушди. Яқинда унинг очилиш маросими бўларкан.

Маҳалла идорасининг ёнидаги майдонда эса чиройли болалар майдончаси кўзга ташланади. У ер болалар билан гавжум эди. Бизни кўриб майдончада ўйнаб юрган 3-4 бола ёнимизга келди.

– Маҳмуд ака, бизга нима иш бор? – дея сўради уларнинг орасидаги бўйи новчаси. – Роса ўйнадик, энди бироз иш қилайлик.

– Ўйингоҳнинг у ер, бу еридаги майда қоғозларни териб олинглар, бу ерни тоза тутинглар, – деди оқсоқол.

– Хўп бўлади, – дейишди болалар.

– Ёзги таътил яхши ўтаяптими? – дея сўрадик.

– Жуда зўр, бу йилигиси бошқача бўлди, сира зерикмадик, – деди болаларнинг бири олиб, бири қўйиб.

– Телефон ҳам ўйнаётгандирсизлар...

– Йўғ-э...

– Китоб-чи?

– Мен тўртта эртак китоби ўқидим, – деди болалардан бири. – Роса қизиқ экан, ўртоқларимга ҳам гапириб бердим.

Болалар шундай дея ишга киришишди.

Шу чоқ олдимизга бир киши яқинлашди.

– Бу кўчабошимиз Эркин ака Ўрмонов бўладилар, ҳамма ишларимизда бош-қош, – дея таништирди Маҳмуд ака. – Мана, ўйингоҳнинг бу ёнидаги айвончани учта хонага бўлиб, ўқув марказига мослаштириб, таъмирлатаяпмиз. Маҳалламизда илмга, тил ўрганишга қизиқадиганлар жуда кўп.

Ўйингоҳдан сал нарига арматура ва бошқа қурилиш ашёлари тахлаб ташланган, иккита уста эса пайвандлаш ишлари билан машғул эди.

– 18 та қийналган оилага субсидия асосида бир сотихдан иссиқхона қуриб бериш ҳаракати бошланган, – деди Маҳмуд ака. – Иссиқхона эгилмаларини шу ерда тайёрлаттириб, кейин хонадонлар томорқасига олиб бориб ўрнаттирамиз.

Усталарнинг ҳаракатини бироз кузатиб тургач, нигоҳимизни шу ердаги кучоққа сиғмас тутга қаратдик.

– Ёши улуғларимизнинг айтишларига қараганда, бу тутнинг экилганига 250 йил бўлган экан, – дея изоҳ берди Маҳмуд ака. – Бу тарихий обидалар рўйхатига киритилаяпти.

Маҳмуд ака гап орасида маҳаллага тўй-маъракаларда ишлатиш

ЯНГИЛАНАЁТГАН ҚИЁФАСИ

учун керак бўладиган 30 та ўриндиқлар олиб келинганлигини ҳам айтиб ўтди.

Яна кўчадамиз. Шу пайт олдимиздан бир нечта бола велосипед ҳайдаб ўтиб қолди. Улардан қаерга кетишаётганликларини сўрадик. Болалар ёзги таътилда хорижий тилларни ўрганишаётган экан. “Дарсга кетаяпмиз”, – дейишди. Маҳалла раиси уларга йўлларда эҳтиёт бўлиб юришларини тайинлади.

Бугунги ҳашарнинг қандай кетаётганлигини назорат қилиб бориши керак бўлгани оқсоқолнинг вақтини ортиқ олиб ўтирмаслик учун хонадонма-хонадон юриб, одамларни киберхавфсизлик бўйича огоҳлантириб юрган маҳалла хотин-қизлар фаоли Муқаддам Ориповага эргашдик.

– Бу йил “Аёллар дафтари”га 76 нафар хотин-қизни киритгандик, – деди у йўл-йўлакай. – Уларнинг 26 нафари ўзини ўзи банд қилди. 2 нафарига имтиёзли кредит асосида тикув машинаси олиб бердик,

Маҳалладаги бешта камбағал оила ҳам бугунги кунга келиб ўзларини анча ўнглаб олишди. Бунга сабаб уларга бириктирилган раҳбар А.Ҳикматовнинг сидқидилдан ёрдам кўрсатганидир. Масалан, бир аёлнинг икки нафар фарзанди бор. Унга телевизор, печ, газ плита олиб берилди.

– Опа, – деб қолди у бир куни Муқаддамга, – қачонгача бировларнинг қўлига қараб ўтираман, уялаяпман. Ҳар куни кундалик ишга чиқиб, эртадан кечгача далада ишлаб топганим ҳеч нарса бўлмаяпти. Қандайдир тузукроқ иш билан шуғулланмасам бўлмайди. Мана, болаларим мактабга бораяпти.

– Бирда ҳайдовчилик қўлимдан келади, деётгандингиз. Ҳайдовчилик гувоҳномангиз борми?

– Бор.

– Ундай бўлса киракашлик қиласизми?

– Мен ҳам шу ҳақда ўйлаб юрдим. Эплолармиканман?



унча хабари бўлмаса ҳам таваккал деб имтиёзли кредит асосида 4 та тикув машинаси олди. Қизларни иш билан банд қилди. Ўзи ҳам қараб ўтирмади, маҳалла хотин-қизлар фаолининг кўмаги билан тикувчиликка ўқиди. “Ёшлар дафтари”да турган ўғли эса компьютер соҳасига ўқияпти.

Шундай қилиб уч та оила камбағалликдан чиқарилди.

– Маҳалламиздаги 5 нафар аёлни тикувчилик, уқаловчи, компьютер соҳаларига ўқитдик, – дейди Муқаддам. – Шу тариқа улар ҳам ўз йўлларини топиб кетишди. Йил бошидан бери 20 нафар аёлни ишга жойлаштирдик.

Йўл-йўлакай суҳбатимиз қизиди, гап орасида Муқаддам йўлда учраган фуқароларни киберхавфсизлик бўйича огоҳлантириб борди.

Кўчада кетаётиб ўз хонадонининг олдини чиройли қилиб тартибга келтириб қўйган келиннинг “бу бировнинг томони” демасдан йўлнинг нариги четидаги ўтларни ҳам тозалаётганини кўриб, “Мана, тарбия”, дедик.

Айнан шу хонадонга кирдик. Онахон стулчада ўтирганча супурги боғлаётган эканлар. У Насиба опа Тўрабоева. Насиба опа 9 фарзандни тарбиялаб вояга етказаман деб не-не машаққатларни бошидан ўтказмади дейсиз. Томорқасини гуллатди, чорвачилик билан шуғулланди. Фарзандлар ҳам насибасига яраша уйли-жойли бўлишди. Шунда ҳам Насиба опа тиним билмади, 20 йил жамоатчилик асосида маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси сифатида қанчадан-қанча оилаларни яраштирмади дейсиз. Бугун улар Насиба опадан миннатдор. 84 ёшнинг остонасидан хатлаган Насиба опанинг бугун қўлида асо. Лекин юрагини ҳамон шижоат тарк этмаган, қурби етган ишга куймаланаверади. 2 сотихли иссиқхонасини бўш қолдирмайди. Ўзи тепасида туриб ўғлига у ерга помидорми, бодрингми эктиртиради. Хуллас, ердан самарали фойдаланишиб, бир йилда уч марта ҳосил олишади. Аввал помидор экишганди, кейин бодринг экишиб, икки марта ҳосилини узишди ҳам. Кейин унинг ўрнига салат барги экишади. Шароитга қараб редиска ҳам экилади.

Онахоннинг 30 невара, 73 эвара, 2 чевараси бор. Насиба опа уларни “боринигизга шукр” дея дуо қилишдан бўшамайди.

Маҳалланинг яна бир меҳнаткаш инсони Эгамберди ота Шукуров бутун умр қурилишда ишлаб, пенсияга чиққанлар. 5 фарзаднинг отаси, 25 невара, 4 эваранинг севимли буважониси. 80 ёшга тўлган отахонда тиним йўқ. У кишининг хонадони олдидан ўтаётганимизда буталган дарахт шохларини чопиб, арралаб, тахлаётган эканлар. Хонадон олдида савлат тўкиб, мевасини кўз-кўз қилиб турган токларни ҳам отахон меҳр билан парваришлайдилар. Ҳовли ҳам узумзор. Мўъжаз томорқанинг этагида молхона. “Мол боқишни ёқтираман, чунки молда барака бор. Сентябрда невара келин тушираяпмиз, икки молимни сотиб, тўйнинг харажатларига қўшаман. Ҳарна-да...”





Маҳаллада тикувчилик билан шуғулланадиганлар ҳам талайгина. Шулардан бири Эльвира Рўзиева. У келини Маҳлиё билан бирга икки йил аввал кредитга 5 та тикув машинаси олиб, тадбиркорлигини бошлашганди. Самарали меҳнат қилишди. Натижада кредит пулидан 1,5 йил деганда қутулишди. Ҳозирда опанинг 5 нафар шогирди бор. Улар аёллар кўйлагини тикиб, сотувга чиқаришмоқда.

Шу куни яна бир нечта хонадон ҳаёти билан яқиндан танишдик. Улар фаровон ҳаётлари, давлатимиз томонидан қаратилаётган эътибор, ҳалол меҳнатлари ортидан топаётган даромадлари, маҳалласининг йилдан-йилга гуллаб-яшнаётганлигидан мамнунликларини яширмадилар.

Жамила АРСЛОНОВА.









48 нафар аёлга моддий ёрдам кўрсатилди. Маҳалламизда 15 та қийналган оила бор. Уларга ҳомийлар томонидан моддий ёрдам, туман Нуронийлар кенгаши томонидан фарзандлари учун ўқув стол-стуллари, дори-дармонлар, “Маърифат ва саховат карвони” томонидан ўқув сумкалари, дори-дармонлар берилди. Шунингдек, “Вақф” хайрия жамоат фонди томонидан 3 та оилага 5 миллион сўмдан, битта оиланинг жарроҳлик амалиёти учун 10 миллион сўм берилди. “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан 2 та болага даволаниш харажатлари учун 7 миллион, 4,7 миллион сўмдан маблағ берилди. Буйраги касал фуқарога махсус мослама олиб берилди. 8 фуқаро қўлтиқтаёқли бўлди.

гандим. Эплолармиканман?

– Бир-икки соат айлансангиз ҳам нон, чой пули топарсиз ахир.

Шундай қилиб аёл яқинларининг ёрдами билан ижарага машина олди. Ҳозирда у ойлик ижара пулини вақтида тўлаяпти, рўзғори ҳам бут.

Шундай қилиб у камбағаллар сафини тарк этди.

Яна бир боқувчиси йўқ аёл ҳам маҳалла фуқаролар йиғинининг қўллаб-қувватлаши орқали ўзини анча ўнглаб олди. Ўтган йили қизи олийгоҳга сиртдан ўқишга кириб, кундузи ишлаётганди, ўғли бу йил банк техникумини тугатиб, ишга кириш ҳаракатида.

Яна бир аёлнинг беш фарзанди бор. Турмуш ўртоғи ногирон. Бу ҳаракатчан аёлнинг тикувчиликдан

Авто-корхо-на
Тўлди-рилма-ган анкета
Тарихий шахс образи
Гўшти шилин-ган суяк
"Шоҳ Эдип"да-ги образ
Брази-лия футбол-чиси
Терак номи
Абу Лайс ...-Са-марқандий
Арра-ловчи киши
Америка қитъаси-ни очган сайёҳ
Гўдак-лар се-вувчи қўшиқ
Хиз-маткор
Чи-ниқиш гимнас-тикаси
Пастки
Аҳд, қасам
Газла-ма ту-ри
Ко-рейсча салат
"... жой танла-мас"
Вулқон номи
Тағин, ... устига
...-мун-ча
Ер ҳайдов-чи ёғоч мослама
"...га татигу-лик кун" (асар)
Араб алиф-босида-ги ҳарф
АҚШда-ги штат
... Бра-ун
"Коса тагида ...коса"
Ажаб-ланиш
Теле-фон идораси
Циркда-ги кул-дирувчи
Нав, хил
Ҳомий, оталиқ (тари-хий)
Кўзгу-даги юз жилваси
Икки кишилик мусо-бақа
Ҳинду қаби-ласи
Савоб
Тортга гул бе-рувчи модда
Қуръон бўлими
Қамал, искан-жа
Маҳбус кишани-даги занжир
Пайғамбар-лардан би-ри
Кимёвий ўғит
Димоғда гапирув-чи одам
"... оғайни ботир-лар"
Турге-нев асари
Асад-бек лақаби
Дар-веш таёғи
Комил-жон Ота-ниёзов юрти
Қора кўзли кийик
Китоб-нинг илк бети
Бир-дан, ... тўхтади
Ёқимсиз
"... Пот-тер" (фильм)
Тан-беҳ, койиш
Фойда, манфа-ат, наф
Ўғилнинг фарзан-ди
Ғайрат, қатъий-лик
"... - олтин-дан қиммат"
"... тум-шуғидан илинар"
"... то-воғим - кел то-воғим"
Кучли асабий-лик ҳолати
Гап ту-ри
Кўри-ниш, қиёфа
...-но-мус
Капрон тасма
Дилда-ги яши-рин сир
Сўзида қатъий турувчи
Газмол, газла-ма
Ирина (қисқ.)



СЕРМАҲСУЛ ИЖОД СОҲИБИ, МОҲИР ХАТТОТ ЭДИ

(Охири. Бошланиши ўтган сонларда.)

Садр Зиёнинг “Машҳур шаҳарлар ва уларнинг атрофидаги жой номлари ва уларнинг алифбо тартиби ҳақида рисола”, “Баланд тоғларнинг ажойиботлари ва вайрона тепаликларнинг қизиқ жиҳатлари баёни”, “Жуғрофия ва ер юзидаги мамлакатлар аҳолиси тўғрисида мажмуа”, “Етти иқлим баёни” каби асарларида XIX аср охири ва XX аср бошларидаги Шарқ мамлакатлари табиати, бойликлари ва шаҳарлари ҳақида маълумотлар берилган бўлса, “Мовароуннаҳрдаги меваларнинг хусусиятлари ҳақида сўз” асарида Туркистонда етиштириладиган маҳаллий меваларнинг туркий, араб ва форс тилидаги номлари, хусусиятлари, истеъмол қилиш учун фойдали жиҳатлари ҳақида сўз юритилади.

Садр Зиё Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Фаридуддин Аттор, Абдухолиқ Ғиждувоний, Имом Бухорий, Абдулвоҳид Садри Сарир Балхийнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритиб берувчи “Таржимайи аҳволи имом Форобий”, “Таржимайи аҳволи шайх-ур-раис Абу Али ибн Сино”, “Таржимайи ҳоли Аттор”, “Таржимайи ҳоли Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний”, “Таржимайи ҳоли имом Ҳофиз ал-дин ал-кабир ал-Бухорий”, “Мужмали таржимайи ҳоли маноқиби Оғойи Бузург”, “Таржимайи аҳволи қози Абдулвоҳид садри Сарири Балхий” каби асарлар муаллифи ҳамдир.

Садр Зиёнинг “Бухоройи шариф ичкарисидаги мадрасалар аталиши тўғрисида” ва “Бухоройи шариф ичкарисидаги масжидлар аталиши тўғрисида” каби асарлари Бухоро шаҳри гузарларида жойлашган мадраса ва масжидлар ҳақида маълумот берувчи муҳим манба бўлиб, унда шаҳардаги 204 та мадраса ва 223 та масжид ҳақида сўз кетади. Чунончи энг катта мадрасанинг ҳужралари сони 147 та (Кўкалдош мадрасаси) ва энг кичигидаги ҳужралар 2 та (Меҳтари Ориф мадрасаси) эканлиги кўрсатилган. Шунингдек, асарда ҳужралар сони йигирмадан ортиқ бўлган мадрасалар сони 60 та, элликдан ортиқ ҳужраси бор мадрасалар 20 тани ташкил қилгани қайд қилинган. Изоҳларда мадрасанинг қайси ҳукмдор даврида, ким томонидан, қачон барпо этилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Садр Зиё ўз замонасининг моҳир хаттоти ҳам бўлган. У замондошларидан Иноятулло Шайхнинг “Охунд Шайх бар таҳзиб”, Нажмиддин Умар ибн Али Қазвинийнинг “Хония”, Камолиддин Хўжандийнинг “Девони Шайх Камоли Хўжандий”, Мир Муҳаммад Сиддиқ Ҳашматнинг “Номайи Хусравон” номли асарларни насталиқ хатида кўчириб берган. Шунингдек, хаттотлик санъати бўйича Мирзо Азим, Абдураҳим Пешкуҳий, Абдуллоҳ Мирзо Ҳисорий, Мирзо Абдураҳмон, Мирзо Абдулвоҳид, Мирзо Абдулқаюм, Мирзо Қори Олимхон, Мирзо Қобил, Мирзо Мурод, Муҳаммад Амин Қори, Абдулмўмин, Қори Назруллоҳ ўроқ, Қози Ҳожи Неъматуллоҳ, Мирзо Сафар, Мир Яҳё қоровулбеги кабиларга устозлик қилган.

Садр Зиёнинг яна бир эътиборга молик жиҳати китобдорлик фаолиятидир. XX аср бошларида Бухоро шаҳрида учта йирик шахсий кутубхона бўлиб, улар Бурҳониддин Садр қозикалон кутубхонаси, Сиддиқхон Ҳашмат кутубхонаси ва Шарифжон Садр Зиё кутубхонаси эди. Бугунги кунда Садр Зиёдан жуда катта, бебаҳо кутубхона мерос бўлиб қолган бўлиб, ундаги нодир асарлар Туркистон тарихи, адабиёти ва маданиятини ўрганишда қимматли манба бўлиб ҳисобланади. Совет ҳокимияти томонидан бир неча марта Садр Зиё кутубхонасидаги китоблар давлат ихтиёрига ўтказишга ҳаракат қилинган ва ҳар сафар аллома қаршилигига учраган. Садр Зиё қамоқхонада вафот этгач, унинг кутубхонаси мусодара қилинган ва 350 дан ортиқ китоб Бухоро Халқ Совет Республикаси кутубхонасига топширилган. 1936 йилда Садр Зиёнинг барча китоблари Тошкентга олиб кетилган ва ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар тўпламида сақланмоқда.

Оиласи. Турмуш ўртоғи Ибодулла махдумнинг қизи Мусаҳҳиба Шукурова бўлиб, 1889 йили 3 яшар қизи вабо касалидан вафот этган. Муҳаммад Шакурий (1925 – 2012) исмли ўғли ҳам бўлиб, Тожикистон илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшган адабиётшунос ва тилшунос эди.

Ўлими. Садр Зиё илк бор 1924 йилда советларга қарши тарғибот олиб борганликда айбланиб, феврали ойида ҳибсга олинган ва 35 кун қамоқда сақланган. Иккинчи марта 1931–1932 йилларда советлар томонидан аҳолидан тилла ва тилла буюмлар йиғиш жараёнида Садр Зиё мулкини яширганликда айбланиб, ҳибсга олинган. Қамоқхонада тиф касалини юқтириб, вафот этган.

Jadidlar.uz сайтидан олинди.

► *Мутахассислар маслаҳати*

ҚОВУН ПАШШАСИ

Полиз маҳсулотларининг кушандаларидан бири қовун пашшасидир. Унинг личинкаси асосан қовунни, кам миқдорда тарвуз, ошқовоқ ва бодрингни кемириб зарарлайди. Сохта ғумбаги тупроқда қишлайди.



Баҳорда қовун гуллаш пайтида пашшалари уча бошлайди. Урғочилари 6-8 кундан сўнг мева пўсти остига 1 тадан тухум қўя бошлайди. Пашшалари 2 ойгача яшайди. Битта урғочиси жами 120 тагача тухум қўяди. Тухумдан чиққан личинкалари қовун мағзи ва уруғлари билан озиқланиб, вояга етгандан сўнг чиқиб, тупроқда ғумбакка кетади. Зарарланган қовунлар чириб кетади. Бу зараркунанда ҳосилни 100 фоизгача зарарлаши мумкин. Йилига 2-3 марта авлод бериб ривожланади.

Қовун пашшасига қарши курашда далада чириган қовунларни йиғиб олиб йўқотиб (кўмиб) ташлаш, ерни чуқур шудгор қилиш, эртапишар навларни эрта муддатларда экиш (пашша фақат энди пайдо бўлган меваларни зарарлайди, пўсти қотган меваларга тухум қўя олмайди) керак бўлади.

Зараркунандага кимёвий усулда кураш учун қовуннинг гуллаш ва мева тугиш даврида фуфанон, 57% эм.к. – 0,6-1,2 л/га ва бошқа препаратлар билан ишлов берилади.

М.АНАРБАЕВ,
Ш.ХАРИМОВ,
Ш.ИБРАГИМОВ,
Э.ЮСУПХОДЖАЕВ,
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси Навоий УКЧМ инспекторлари.

ЎН ДАҚИҚА ҚАДРИ


Ёнғир содир бўлди? Уни зудлик билан ўчириш чораларини кўриш керак. Агар ёнғин бошланганидан сўнг 10 дақиқа ичида ёнғинга қарши чора-тадбирлар бошланса, у самарали бўлади.

► *Огоҳлик!*

Бунинг учун замонавий ва ишончли автоматик тизимлар қўлланилиши лозим. Улар ёрдамида тутунни сўриб ташлаш ва ортиқча ҳаво босимини яратиш, ёнғинни фаол ўчириш, сув ҳавзалари ҳамда лифтларни назорат қилиш, захира эшикларини очиш, одамларни ёнғин ҳақида огоҳлантириш зарур.

Кексаларимиз дуоларида “ўт балосидан асрасин” дейиши бежиз эмас. Энг тўғри йўл ёнғинларнинг олдини олишдир. Бунинг учун ёнғинлардан сақланиш қоидаларига риоя этиш зарур.

Ф.ЮЛДАШЕВ,
“Архив” ва “Халқ қабулхонаси” биноларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўлинмаси кичик инспектори.



ЭРТАЛАБ ТЕТИК УЙҒОНИШ УЧУН

Бунинг учун ҳар куни эрталаб шундай қилинг: 5 марта чуқур нафас олинг, 5 сония ушлаб туринг ва оғзингиз орқали бу нафасни чиқариб юборинг. Бунда симпатик асаб тизими, яъни энергия фаоллашади.

Ётишдан олдин ҳам ушбу машқни такрорлаш орқали парасимпатик асаб тизимини фаоллаштириш мумкин. Бу соғлом уйқу кафолатидир.

АСАЛЛИ ЧОЙ ИЧИНГ

Асал – табиий тинчлантирувчи восита. Бу мелатонин ишлаб чиқаришни рағбатлантиради. Кечаси 1 чой қошиқ асал яхши дам олишнинг калитидир. Айниқса, мойчечакли чой билан ичсангиз.

Иммунитет тизимини мустаҳкамламоқчи бўлсангиз саримсоқни тозаланг, майда бўлакларга бўлинг, асал қўшиб аралаштиринг. Кечаси бир чой қошиқдан бу аралашмани истеъмол қилинг.


ISTIQBOL
2025-yil 22-avgust / Juma / № 33 (6185)



Табиат инъоми

Тўкин дастурхонин ёзиб ўтар ёз,
Дарахтда мевалар дейди: ”Тезроқ уз”.
Юртимизни жаннат деганлари рост,
Олдинда кутмоқда болин тутиб куз.

► Шеърият дафтаридан



Юртим

Юртим,
Сени яшартириб яшасам,
Меҳрим унса ҳар бир майса, гиёҳда.
Қанча суйсам,
Қанча куйсам шунча кам,
Шунча камдир, шунча камдир, шунча кам.

Юртим,
Кўзим!
Ёшинг артсам, яшартсам,
Вола бўлиб қолсам, воланг ўзим ҳам.
Сени суйиб, қучоғимга айлаб жо
Кўзинг бўлиб кўзингга нур қўшолсам.

Ўзинг бўлсам,
Ўзим бўлсанг, ўзлашиб,
Бир дил бўлсак,
Битта дилдай яшасак.
Ва севишсак, севишсалар шу қадар,
Муҳаббатга, ишққа дўнса Келажак.

Ҳаёларга дўниб қолса ҳаволар,
Ҳаёларни қона-қона симирсак.
Телбаланиб бизнинг далли наволар
Осмонларда учиб юрса ҳаволаб.

Юртим,
Сени яшартириб яшасам...

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ

► Xushxabar

"Yangi O‘zbekiston – Olimpiya cho‘qqilari" sport musobaqalarining viloyat bosqichida Zangiota tumani 16-maktab o‘quvchilari muvaffaqiyatli ishtirok etib, yuksak natijalarga erishdilar, Zangiota tumani sha’nini munosib himoya qildilar.

Boks bo‘yicha Sardor Zoyirov, Gulnigor Pardayeva, Mo'bina Xusanova, Mo'binabonu Po'latovalar o‘z vazn toifalarida 1-o‘rin sohibi bolib, galabaga erishdilar.

Albatta, bu yutuqlarda sportchilarimizning murabbiyi – Burgutali Maxmadiyorovning hissasi beqiyos. Ustozning bilim va tajribasi, sabr-toqati hamda yoshlarga bo‘lgan mehr-muhabbati mazkur g‘alabalarning asosiy omillaridan bo‘ldi.

Zangiota tumani hokimligi Axborot xizmati



► Ҳаёт сабоқлари

ОТА-ОНА ҚАДРИ



Чол институтда бирган ўқиган ўртоғидан хабар олиш учун йўлга чиқди. Ёнига кампирини ҳам олди. Ҳарҳолда далда бўлади-да. Уни кейинги пайтларда тез-тез тоби бўлмай, қалтироқ тутар, бундай чоқларда оёқ-қўллари бўшашиб, ерга ўтириб оларди. Чол ана шу нарсадан қўрқарди.

Бекатгача йўл анча узоқ. Ҳаво ҳам айниб турибди. Чол ортидан инқиллаб-синқиллаб келаётган кампирининг аҳволини зимдан сезиб турибди, кейинги пайтларда оёқлари оғрийдиган бўлиб қолган, қийналаяпти шўрлик. Нима қилсин, ўзининг ҳам оёқларидан мадор қочган. Онда- сонда у ёқдан бу ёққа ғириллаб ўтаётган машиналар тўхтаб, олиб кетай демайди.

Чолга йўл бирам чўзилиб кетгандек туюлди. Кампири у ер, бу ердаги дўнгликларга ўтириб нафасини ростлаб олар ва яна йўлида давом этишарди. Шу тариқа йўлни яримлатишди.

Бир пайт ёнгиналарига енгил машина келиб тўхтаб, уларни кимдир чақирди. Чол ёнига ўгирилиб, энгашиб машина ичига қаради. Нотаниш йигит.

– Вой-бў, жуда қийналиб кетибсизлар-ку, – деди йигит рул чамбарагига эгилганча уларга боқаркан, – ўтиринглар, оборib қўяман.

Толиққан кампир шуни кутиб турган эканми, чолидан олдин машинага чиқиб ўтирди. Энгашиб кирган чол унинг ёнидан жой олди.

– Қаёққа кетаяпсизлар эрталабдан? – деб сўради йигит машинани жойидан қўзғатаркан.

– Курсдош ўртоғим анчадан бери касал эди, шифохонага ётиб чиқибди, аҳволи анча оғир экан, бориб кўриб келай дегандик, – деди чол чўнтагидан дастрўмол олиб сераётган пешонасидаги терни артаркан.

– Уйлари шу яқин атрофдами?

Чол айтди.

– Ие, жуда узоқда экан-ку. У ерга қандай қилиб етиб борасизлар?

– Бир-иккита автобусга чиқиб тушсак, етиб оламиз, болам.

Йигитнинг бу кекса жуфтликка раҳми келдими ёки холис хизмат қилмоқчи бўлдими, уларни айтган манзилига олиб бориб қўймоқчи бўлди. Йўл-йўлакай суҳбатлашиб кетишди.

– Отахон, айбга буюрмайсиз, ўғлингиз борми?

– Аллоҳга шукр, тўрт ўғлимиз бор.

– Машиналари йўқмиди?

– Ҳаммасида бор.

Йигитнинг, бўлмаса нимага улар машинасида олиб бориб келмайди, деган савол назари билан қараб қўйганини сезган чол секингина деди:

– Ишларидан ортмайди. Ишлари кўп. Олиб боринглар десам, олиб боришади. Лекин зарур ишларидан чалғитсам, оғриниб олиб боришса, биз сабаб уларга гуноҳ ёзилмасин, деймиз-да...

“Булар қандай ота-оналар экан-а, – дея хаёлидан ўтказди йигит. – Ўзларининг роҳатини эмас, шу ёшидаям фарзандларининг гуноҳга ботмасликларини ўйлашади-я. Аҳволларини қаранг, “пуф” деса, йиқилиб тушай деб туришибди. Қандай фарзандлар эканки, ишини кекса ота-онасидан устун қўядиган...”

Манзилга етиб келишгач, чол йигитни узундан-узоқ дуо қилиб, пул узатди.

– Пулингиз керак эмас отахон, шу дуонгизнинг ўзи менга пулдан ортиқ. Қанийди менинг ҳам ота-онам ҳаёт бўлганларида, дуоларини олиб юрсам...

Жамила АРСЛОНОВА.

ISTIQBOL
Muassis: Zangiota tumani hokimligi

Bosh muharrir o‘rinbosari
Jamila ARSLONOVA

Tahririyat manzili: Eshonguzar qo‘rg‘oni, tuman hokimligi binosi.
Telefon: 70-97-53-286.

Gazeta haftaning juma kuni chiqadi.
Hajmi 2 taboq, qog‘oz bichimi A3.
Ofset usulida bosildi. Bahosi erkin narxda.

Bosishga topshirish vaqti: 12.00
Bosishga topshirildi: 12.00
1 2 3 4 5 6

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Navbatchi: Iroda ABDAZIMOVA

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2012 yil 24 iyulda 03-015 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Nashr indeksi: 64895

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Toshkent shahri, “Buyuk Turon” ko‘chasi, 41. Adadi – 2850. Buyurtma № G-814.

ISSN 2181-61820